

**“Ангрен логистика маркази” АЖ  
кузатув кенгаши аъзоларига**

**ХАБАРНОМА**

Сизга “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши 2022 йил 22 сентябрь куни соат 11:00да Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 45-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг маъмурий биносида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси” деб номланган 75-моддасида Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

**Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:**

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш тўғрисида.
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш тўғрисида.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини кун тартибини тайёрлаш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш ва умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар реестрини ёпилиш санасини белгилаш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш ва уларга тарқатиладиган ҳужжатлар тўпламини тасдиқлаш тўғрисида.
7.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларини шакли ва матнларини тасдиқлаш тўғрисида.
8.	“Ангрен логистика маркази” АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қўшимча материаллар ва маълумотлар билан Кузатув кенгашининг йиғилиши ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган “Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00дан соат 17:00гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, [www.clangren.uz](http://www.clangren.uz) расмий веб-сайти, [www.clangren@bk.ru](mailto:www.clangren@bk.ru) электрон манзил орқали танишиш мумкин.

**Ижро органи**